Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2014-yil 26-iyun, payshanba, **25 (553)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru,** web sayt: **www.21asr.uz**

# Парламент Давлат бюджетининг ижросини маъқуллади

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида депутатлар Давлат бюджетининг 2013 йилдаги ижроси тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботини кўриб чиқдилар. Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – молия вазири Рустам Азимов маъруза қилди**

Маълумки, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиш Қонунчилик палатасининг устувор вазифалари сирасига киргани учун ҳам бу масала депутатлар корпусининг доимий диққат-марказида туради.

Маърузачи алоҳида таъкидлаганидек, 2013 йилда Давлат бюджети, Олий Мажлис томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ, даромадлар харажатлардан оширилган ҳолда ижро этилган. Иқтисодий дастурларнинг аниқ мақсадни кўзлаб ва тизимли амалга оширилиши натижасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, ўтган йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсиши таъминланди. Хусусан, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 6,8 фоизга, чакана товар айланиши 14,8 фоизга ўсди.

2011-2015 йилларда саноатнинг устувор соҳаларини ривожлантириш дастури, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши туфайли саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош маҳсулотлар тайёрланаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу тармоқлар мамлакатимиз саноат маҳсулотининг 78 фоиздан ортиғини ишлаб чиқармоқда.

2 ▸▸

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

# Ҳисоботлар тингланиб, амалий таклифлар билдирилди

**Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида Қишлоқ ва сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Ҳабиб Зарипов ҳамда Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Зафар Султоновнинг ахборотлари эшитилди**

Хусусий мулк дахлсизлиги, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатлари ҳимоясини бош мақсад қилган O`zLiDeP либерал ғояларни ҳаётга изчил татбиқ этиш орқали ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳалардаги демократик янгиланишлар, маҳаллий ишлаб чиқариш қувватлари ва саноат потенциалини ошириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Амалдаги қонунлар ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси юзасидан партия депутатлик гуруҳлари томонидан жамоатчилик назорати йўлга қўйилгани шу йўлдаги саъй-ҳаракатларнинг амалий кўринишларидан биридир.

4 ▸▸

## Энди мурожаат қилиш янада осон

Маълумки, бундан бир йил аввал давлат ташкилотларига мурожаат юбориш ҳамда тегишли орган раҳбари қабулига ёзилиш имконини берувчи Ягона интерактив давлат хизматлари портали — my.gov.uz сайти ишга туширилиб, кўп каналли «Call-centr» («Маълумот маркази») хизмати ҳам ташкил этилганди. Яқинда ана шу марказнинг амалдаги (8-800-200-1818 телефон) рақамига янги — «1060» қисқа рақами қўшилди.

My.gov.uz сайтида қайд этилишича, пойтахтимизда, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда яшовчи фуқаролар шаҳар тармоғига уланган ёки мобил телефондан мазкур қисқа рақамга қўнғироқ қилишлари мумкин. Хизмат кўрсатиш бепул. Қўнғироқ учун фақат чиқиш тарифи бўйича ҳақ олинади.

**«Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ортиб, халқимиз ўртасида «Тўртинчи ҳокимият» сифатида тобора катта ишонч ва ҳурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизида авваламбор журналистлар, кўп ҳолатларда кўзга ташланмайдиган камтарин муҳаррирлар,ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот-коммуникация тармоқларининг минг-минглаб заҳматкаш ишчи-хизматчиларининг кундалик оғир ва сермашаққат меҳнати мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода этган бўламан».**

**Ислом КАРИМОВ**





# Миллий матбуот ва замонавий ахборот технологиялари

**Бугунги глобаллашув даврида ҳаётимизнинг бирон-бир соҳасини ОАВ фаолиятидан айри тасаввур этиш қийин**

Зеро, юртимиз тараққиёти йўлидаги эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, истиқлол руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимиз маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ хайрли ишларда журналистларнинг муносиб хизмати бор. Шу боис соҳани янада либераллаштириш, фуқароларнинг ахборот олишга оид ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юртимизда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти сифатида белгиланган.

Мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, давр талабларига жавоб берадиган журналист кадрларни тайёрлаш, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани бежиз эмас. Ўтган йиллар давомида айниқса ахборот олиш ва тарқатиш жараёнининг қонунчилик базасини такомиллаштириш масаласи диққат-марказида бўлди.

3 ▸▸

# Жамоатчилик назорати институти — амалда

**O`zLiDeP Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлимининг «Соғлом бола йили» Давлат дастурида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган вазифаларнинг Сурхондарё вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу тадбир вилоятда биринчи марта жамоатчилик назорати тарзида ташкил этилди**

Хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган партия ҳудудий тузилмаларининг медиа-режасига асосан «Микрокредитбанк» ОАТБ Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи Рустам Пардаевнинг хотин-қизлар тадбиркорлиги ривожига йўналтирилган имтиёзли кредитлар тўғрисидаги ахбороти тингланди.

2 ▸▸

## Маҳаллий маҳсулотнинг олтин медаллари



Президентимизнинг «2013-2015 йиллар давомида республикада узумчиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида сўнгги бир йилда мамлакатимизда токзорлар сезиларли даражада кенгайтирилди. Ихтисослашган корхоналарнинг хом ашё базаси мустаҳкамланиши баробарида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди. «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси фермер хўжаликларининг шу турдаги маҳсулотларини сотиб олиш билан бирга ўз плантацияларида 18 минг тонна узум етиштирди. Жорий йилда бу миқдорни 30 тоннага етказиш кўзда тутилган.

Миллий матбуот марказида ташкил этилган навбатдаги анжуманда мазкур компания мутасаддилари ана шундай маълумотларни келтиришди. Айни пайтда компания узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиб, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Мева-сабзавот ва узумчиликка ихтисослашган туманларда фермер хўжаликлари раҳбарлари учун амалий семинарлар ўтказилаётир. Шунингдек, компания мутахассислари токзорларда қўлланилиши зарур бўлган агротехник тадбирлар тўғрисида 3 та қўлланма ва ўқув фильми тайёрлаб, қишлоқ мулкдорларига етказишди. Ўтган даврда қайта ишлашни янада такомиллаштириш мақсадида замонавий технологик линиялар ишга туширилиб, кўплаб инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши натижасида тизимдаги қатор корхоналар ўз маҳсулотини 100 фоиз экспортга чиқармоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасида ўзбек мусалласи халқаро кўргазма ва танловларда 5 маротаба «Супер Гран При», 168 та олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланди.

**БУГУНГИ СОНДА:**

Пойтахтнинг «Ишбилармон талаба»лари аниқланди — 3

Мурожаатингиз бўлса қанча, ҳал этади «Бир дарча» — 4

Шундай номзодни танлаш керакки... — 5

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар! — 8

# Кичик бизнесга катта эътибор

**Наманганда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, партиянинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзуидаги халқаро конференциядаги маърузасидан келиб чиқадиган долзарб вазифаларга бағишланган бизнес-семинар ўтказилди.**

Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли дастурхони тўкин-сочинлиги ва бозорларда нарх-наво барқарорлиги кўплаб давлатларнинг ҳавасини тортмоқда. Бу борада Юртбошимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлаётир. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини ривожлантириш йўлидаги изчил ислоҳотлар юксак самара бермоқда. Муттасил ўсиб бораётган иқтисодий кўрсаткичлар, хусусан, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши мунтазам равишда 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани бунинг ёрқин далилидир.

2 ▸▸

## Журналистлар билан жонли мулоқот

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган навбатдаги анжуманда «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида пойтахтда амалга оширилаётган ишлар хусусида ОАВ вакилларига атрофлича маълумот берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қабул қилинган ҳудудий дастурга кўра йил давомида 499,5 млрд. сўм ва 24,8 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги бир неча лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Жорий йилнинг ўтган беш ойида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 245,5 млрд. сўм ва 700,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди. Тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 5,9 млрд. сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди.

— Ҳудудий дастуримизда айнан соғлиқни сақлаш соҳасига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Ботир Исломов. — Чунки тармоқ муассасаларини замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминлаш, фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқишларини ошириш каби тадбирлар аввало баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадга йўналтирилган.

Анжуманда жорий йилда болалар ёзги таътилига ҳам алоҳида тайёргарлик кўрилгани, хусусан, мактабларда махсус оромгоҳлар ташкил этилгани, уларда 45 минг нафардан ортиқ ўқувчининг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун етарли шароит яратилгани ҳам алоҳида қайд этилди.

# Парламент Давлат бюджетининг ижросини маъқуллади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄



Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Жумладан, кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш эвазига эса 210 мингдан зиёд янги иш жойи очилди.

Давлат бюджетининг 2013 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш жараёнида O'zLiDeP фракцияси аъзолари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли тобора ошиб бораётганлиги мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий тузилишидаги ижобий ўзгаришлардан далолат эканини алоҳида таъкидлашди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлагани, хусусий сектордаги корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етгани ҳам изчил ислоҳотлар самарасидир. Мазкур соҳада 2000 йилдаги 31 фоиз ўрнига ЯИМнинг 55,8 фоизга яқини ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

– Маҳсулотлар экспорти борасида кичик бизнесга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги партиямиз электорати манфаатларига тўла мос келади, – дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов. – Мисол учун, фақатгина «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан кичик бизнес корхоналарининг 208,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулоти экспорт қилинганининг ўзи ижобий ўзгаришлардан дарак бериб турибди. Буларнинг барчаси экспортни жадал ривожлантириш, унинг таркиби диверсификация этилишини таъминлаш, маҳсулотни реализация қилиш учун янги ташқи бозорларни фаол ўзлаштириш имконини беради. Бу эса ўрта қатлам вакиллари учун айни муддаодир.

Давлат бюджети ижросига бағишланган муҳокамаларда фаол иштирок этган O`zLiDeP фракцияси аъзолари бундан кейин ҳам иқтисодий тараққиётнинг етакчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кўпроқ эътибор қаратиш, мамлакат ялпи ички маҳсулотида ушбу соҳа вакилларининг улушини тобора ошириб бориш, айниқса, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни яхшилаш мақсадида давлат буюртмаларини бажаришга хусусий сектор субъектларини янада кенгроқ жалб этиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Уларнинг фикрича, жаҳон молиявий инқирози асоратлари ҳали кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодиётини оғир аҳволга солаётган, атрофимиздаги айрим давлатларда рецессия, яъни ривожланиш даражаси қарийб ноль фоизга тушиб қолиш ҳолатлари кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётганлиги, Давлат бюджети профицит билан ижро этилаётганлиги, инфляция даражаси белгиланган меъёрдан ошмаётганлиги диққатга сазовордир.

Шу билан бирга фракция аъзолари жойларда тадбиркорлик фаолияти учун шароитларни янада яхшилашга қаратилган қонунларнинг ижросини таъминлаш, фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, корхоналарда ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, инвестицион фаолиятни янада такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Давлат бюджети ижросига оид масалага комплекс ёндашган ҳолда мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, шу асосда бюджет тушумларини кўпайтиришга хизмат қилувчи мавжуд қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган бир қатор таклифлар ҳам билдирилди. Бухгалтерия ҳисоби тушунчасини аниқ белгилаш ва молиявий ҳисобдорликнинг халқаро стандартларини эътиборга олган ҳолда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Солиқ кодексининг айрим нормаларини «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун талабларига мослаштириш шулар жумласидандир.

Фракция позициясига кўра, ҳудудларда ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг турли молия-кредит хизматларидан фойдаланиш имкониятини янада оширишга кўмак беради. Мамлакатимизда қабул қилинган модернизациялаш дастурларини изчиллик билан бажариш учун эса тегишли қонунларнинг айрим нормаларини бугунги талаблар даражасида кўриб чиқиш лозим. Хусусан, «Лизинг тўғрисида»ги қонунга янги объектларни лизингга олиш учун тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратиш, лизинг амалиётларини кенгайтириш, иккиламчи лизинг сонини ошириш, тўловлар қайтмаслиги таваккалчилигини қисқартиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама жараёнида сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Давлат бюджетининг 2013 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилди.

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар Давлат бюджетининг 2014 йил 1-чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам атрофлича кўриб чиқдилар. Муҳокама чоғида эътироф этилганидек, Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларнинг бажарилиши 2014 йилнинг биринчи чорагида ҳам мамлакат иқтисодиёти ўсишининг ижобий динамикаси сақланишини таъминлади. Жорий йилнинг уч ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,5 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари – 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш – 6,2 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,3 фоизга ўсди.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 227,9 мингта иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ жойларида 137 мингтадан зиёд иш ўрни яратилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган жисмонан соғлом, маънавий етук, баркамол авлодни тарбиялашга доир чора-тадбирларни фаоллик билан амалга ошириш бошланди. Ана шу мақсадлар учун жорий йилнинг биринчи чорагида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан бир триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

**26 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ**

## Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз

Наманган вилоятининг Косонсой туманида «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган тадбирда инсон саломатлиги ва келажагига путур етказувчи иллат оқибатлари хусусида фикр юритилди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши кураш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётганини алоҳида таъкидладилар.

— Ёшларни турли иллатлардан асраш, уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом вояга етишини таъминлаш асосий бурчимиз, — дейди вилоят «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази директори Бахтиёр Салоҳиддинов. — Ўсиб келаётган авлоднинг гиёҳвандликдан йироқ бўлган ҳолда спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш, уларда ўз соғлиғига бўлган масъулликни кучайтиришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта.

Анжуман сўнггида йиғилганлар эътиборига гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи видеоролик намойиш этилди.

**Маҳмуджон САЙРАМОВ.**

## «Қурилишмашлизинг» — янги компания

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, «Қурилишмашлизинг» ихтисослаштирилган компанияси ташкил этиладиган бўлди. Мазкур ҳужжатда белгиланганидек, соҳада лизинг хизматларини янада ривожлантириш, хусусан, замонавий қурилиш техникаси, кичик механизация воситалари ва махсус транспорт билан жиҳозлаш асосида фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этиладиган компаниянинг устав фонди 22 млрд. сўмдан иборат бўлади.

Янги компаниянинг таъсисчилари рўйхатидан Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака»банк, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекэнерго» ДАК ва бошқа акциядорлар ўрин олади.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ.**

## Оромгоҳга сўнгги русумдаги компьютерлар

«Фарғонаазот» ОАЖнинг «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳар йили корхона ишчи-хизматчиларининг 1200 нафардан зиёд фарзанди хордиқ чиқаради.

—Яқинда корхона томонидан 15 та сўнгги русумдаги компьютер жамланмаси ва спорт анжомлари келтирилиб, болалар ихтиёрига топширилди, — дейди оромгоҳ раҳбари Охунжон Валиев. — Тасвирий санъат, рақс, моҳир қўллар, компьютер саводхонлиги, экологик маданият тўгараклари, теннис, шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, футбол, сузиш, енгил атлетика бўйича секциялар фаолият кўрсатаяпти. Малакали мураббий ва тарбиячилар томонидан ташкил этилаётган мусобақалар, викториналар, кўнгилочар ўйинлар мавсумнинг ҳар жиҳатдан мазмунли ўтишини таъминламоқда. Оромгоҳ ҳудудида пишиб етилган мева ва полиз маҳсулотлари эса болалар дастурхонини бойитаяпти. Ҳудуддаги зиёратгоҳ ва қадамжолар, хушманзара табиат қўйнига уюштирилаётган саёҳатлар уларнинг она-диёримизга меҳрини янада оширмоқда.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

# Кичик бизнесга катта эътибор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»



Сир эмаски, шу кеча-кундузда айрим минтақа ва давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий беқарорлик бизнес ривожига ҳам катта путур етказмоқда. Ишбилармонлар фақат тинчлик-осойишталик қарор топган, қулай муҳит яратилган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиши 50 дан ортиқ давлатдан ташриф буюрган конференция меҳмонлари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди. Наманганадаги бизнес-семинар иштирокчилари айнан ана шу жиҳатга эътибор қаратиб, Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллашида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим масалалардан бири эканлигини таъкидлашди. Бу борада олиб борилаётган амалий ишларга тўхталадиган бўлсак, кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тубдан мустаҳкамланиб, бир қатор ортиқча меъёрий ҳужжатлар бекор қилинганини кўришимиз мумкин. Амалдагилари эса соддалаштирилиб, сон жиҳатдан қисқартирилди ва кўплаб имтиёзлар жорий этилди. Оилавий бизнесни йўлга қўйишга оид муносабатларни тартибга солишда эса «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қулай шароит яратиб берди. Биргина мисол. Мазкур қонун қабул қилинган 2012 йилда мамлакатда 427 та оилавий корхона рўйхатдан ўтган бўлса, жорий йилнинг шу даврига келиб уларнинг сони 3771 тага етди. Бугунга келиб, шундан 3548 таси муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Ана шу хайрли ишларда O`zLiDeP ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида «Мулкдор оила-2014» лойиҳасининг ҳудудий босқичлари бўлиб ўтяпти. Эътиборга молик жиҳати, жорий йилда ушбу лойиҳа доирасида уч минг нафарга яқин иштирокчининг оилавий тадбиркорлик фаолиятига оид билим ва кўникмаларини ошириш режалаштирилган.

— Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш партиямизнинг диққат марказида турган муҳим масалалардан биридир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоилов. — Бу борада партиянинг парламентдаги фракцияси, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий базаси, имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланиши, шунингдек, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш юзасидан доимий назорат олиб бориш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган муайян чора-тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда.

Наманган вилояти мисолида кузатадиган бўлсак, айни пайтда 45 та оилавий корхона рўйхатдан ўтган. Албатта, бу қониқарсиз кўрсаткич. Шундан келиб чиққан ҳолда фракция томонидан маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда оилавий корхоналар кам бўлган туманлар аҳолиси ўртасида тарғибот-тушунтириш ва қонун ижроси юзасидан самарали назорат-таҳлил ишларини олиб боришга эътибор кучайтирилмоқда.

Бизнес-семинарда Наманган вилоят Фермерлар кенгаши раиси И.Сатторов, Савдо саноат палатаси бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари У.Дадаходжаев, тижорат банклари ва бошқа ташкилотларнинг мутасадди вакиллари аҳоли ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бориш жуда муҳим эканлигини таъкидлашди. Зеро, Наманган вилояти миқёсида «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасидаги шу кунгача ўтказилган семинар, давра суҳбати ва учрашувларда оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, деҳқон хўжалигига асосланган оилавий бизнесни ташкил этишда суғурта бозори, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва афзалликлари, шунингдек, молия муассасаларидан кредит олиш ва ундан самарали фойдаланиш, гаров таъминотининг турлари ва гаров ҳужжатларини расмийлаштириш тартиблари тўғрисида маълумотларга доимий эҳтиёж сезилаётгани кузатилмоқда.

# Жамоатчилик назорати институти — амалда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI asr»

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисидаги қатор фармон ва қарорларнинг жойлардаги ижроси таъминланиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига асос яратмоқда, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими Гўзал Ибрагимова. — Зиммамиздаги асосий вазифалардан бири ана шу жараёнларда хотин-қизлар иштирокини янада оширишдан иборат. Вилоят кенгашининг депутатлик корпуси билан биргаликда ташкил этаётган бундай жамоатчилик эшитувларини ташкиллаштиришидан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шудир.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимизнинг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида аёллар тадбиркорлиги ва оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида ўрин берилгани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда. 2014 йилнинг шу давригача Сурхондарёда дастур доирасидаги тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган 104 млрд. 233 млн. сўм маблағнинг 14,5 млрд. сўми аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилгани ҳам мазкур йўналишда муайян чора тадбирлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Р.Пардаев айни шу масала юзасидан ўзи раҳбарлигидаги банк тизими мисолида батафсил маълумот берди.

— 2014 йил 1 июнь ҳолатига кўра 254 нафар аёлга «Микрокредитбанк» ОАТБ Сурхондарё вилоят филиали томонидан жами 1 812,8 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди, — деди у. — Бундан ташқари оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 108 та кичик бизнес субъектига 1 684.9 млн. сўм миқдорида маблағ берилди. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, иссиқхона қуриш учун тақдим этилган бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш эвазига опа-сингилларимиз томонидан 113 та янги иш ўрни яратилди. Паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва чорвачилик хўжаликларини ташкил этиш ҳисобига яна 151 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди.

Тадбирда, шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, қонуний манфаатларини муҳофазалаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, улар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурида аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш зарурлиги хусусида батафсил сўз юритилиб, бу борадаги энг долзарб вазифалар белгилаб берилгани қилаётган ишларимиз сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлмоқда, — дейди вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова. — Айниқса, ҳудуд иқтисодиётида ҳал қилувчи кучга айланган фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фаол аёлларимиз ташаббус кўрсатишаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, 2013 йилда вилоятимиздаги ишбилармон хотин-қизлар тижорат банкларидан жами 55 млрд. сўм миқдорида кредит олиб, саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш сингари соҳаларда бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширган бўлсалар, жорий йилнинг ўтган даврида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, аёлларни ишбилармонлик фаолиятига жалб этиш учун тижорат банклари томонидан 14 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу, ўз навбатида, O`zLiDeP илгари сураётган ғояларнинг опа-сингилларимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганлигини ҳам тасдиқлайди.

Вилоятдаги илк жамоатчилик эшитувининг амалий самараси қандай бўлганини эса бир оз вақт ўтгандан кейин билиб олишимиз мумкин...

# Пойтахтнинг «Ишбилармон талаба»лари аниқланди

**O`zLiDeP томонидан 2004 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи юксак савияда ташкил этилди**

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI asr»



Маълумки, ушбу лойиҳанинг асосий мақсади партия дастурида белгилаб қўйилган муҳим вазифалар, хусусан, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга касбий, ижодий ва мансаб пиллапояларидан ўсиш учун кенг имкониятлар яратишга кўмаклашишдан иборат. Зеро, ёшлар салоҳиятини ривожлантиришга эътибор қаратиш келажакка сармоя киритиш, демакдир. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, бизнесни ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратишга ёрдам беради.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичига пойтахтдаги туманлар босқичларида муваффақиятли қатнашган 30 нафар талаба саралаб олинган эди. Ўз бизнес-режаларини тақдим қилишга шайланган бўлажак ишбилармонлар галдаги синов майдони сифатида Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида жам бўлишди.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида сўз олган O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси Тўрабек Назаров таъкидлаганидек, бу йилги кўрик-танлов «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг ижроси доирасида ташкил этилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, танлов иштирокчилари олдига қўйилган талаблар қанчалик жиддий бўлмасин, унда қатнашиш истагини билдираётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Табиий, улар орасидан энг яхшисини танлаш осон кечаётгани йўқ. Бундай вазиятда барча масъулият ҳакамлар ҳайъати зиммасига тушади. Шунинг учун ҳакамлар иштирокчиларнинг кўргазмада намойиш этилган ижодий ишлари билан бевосита танишгандан сўнг уларнинг билим-салоҳияти, хорижий тилларни қанчалик ўзлаштиргани юзасидан савол-жавоблар ўтказишди. Ана шу жараён якунларига кўра энг юқори балл тўплаганларгина республика босқичига тавсия этилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига асосан «Ишбилармон талаба-2014» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида Педагогика коллежи талабаси Наргиза Абдуқодирова ғолиб, деб топилди. У танловда узоқ тарихга эга бўлган сўзана тикиш амалий санъати бўйича шахсий ишлари ва соҳани янада ривожлантириш хусусидаги аниқ таклифлари туфайли биринчи ўринга муносиб кўрилди.

Республика дизайн коллежи талабаси Робия Холмуҳаммедованинг ўзига хос эскизлари ва тиккан либослари иккинчи ўринга лойиқ топилган бўлса, Тошкент туризм коллежи талабаси Мирёқуб Ғаниев ёғоч ўймакорлиги санъати бўйича тайёрлаган ижод намуналари билан учинчи ўринни банд этди. Таъкидлаш жоизки, Мирёқуб ёш бўлишига қарамай «Ташаббус-2014» кўрик-танловининг пойтахт босқичида ҳам «Энг ёш ҳунарманд» номинациясибўйича ғолибликни қўлга киритганди.

— Мен либослар дизайнига жуда қизиқаман, — дейди Робия Холмуҳаммедова. — Коллежда ҳам шу йўналишда таҳсил олмоқдаман. Янги моделларимни яратиш жараёнида либоснинг умумий қиёфасини тўлдирувчи аксессуарларга катта аҳамият бераман. Бунинг натижаси ўлароқ миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган либослар коллекциясини яратишга киришдим. Ушбу коллекциям икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси «Соғлом бола йили»га бағишлаган ва 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган. Иккинчисини қизларнинг кундалик кийимлари ва оқшом либослари ташкил этади. Қувонарлиси, мана шу қизиқиш ва интилишларим туфайли «Ишбилармон талаба» деган номга сазовор бўлдим.

Тадбир сўнггида танлов иштирокчилари O`zLiDePнинг махсус дипломлари билан тақдирландилар.

# Миллий матбуот ва замонавий ахборот технологиялари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори эса барча медиа тузилмалар, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Бундай кенг имкониятларга эга бўлган ва фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланган оммавий ахборот воситалари бугунги кунда жамоатчилик фикрини ифода этадиган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини янада демократлаштириш йўлида ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, замонавий демократиянинг энг асосий талабларидан бири ҳам ОАВларнинг эркинлигини таъминлаш ва уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш билан белгиланади.

Эътироф этиш жоизки, биз яшаётган шиддатли даврда ОАВ ва замонавий ахборот технологияларининг инсон ва жамият ҳаётига таъсири тобора ошиб бормоқда. Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда соҳа ривожи учун зарур шарт-шароитлар яратилиши натижасида оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг ажралмас бўғинига айланди.

Шу ўринда ғурур билан айтиш мумкинки, ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мингдан ортиқ нашрлар орасида сиёсий партиялар муассислигида чоп этилаётган газеталарнинг ҳам ўз ўрни, ўз аудиторияси бор. Демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларида сиёсий партиялар иштироки, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини ошириш масалаларини кенг ёритишда, шубҳасиз, мазкур нашрларнинг салмоқли улуши бор.

***Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мингдан ортиқ нашрлар орасида сиёсий партиялар муассислигида чоп этилаётган газеталарнинг ҳам ўз ўрни, ўз аудиторияси бор.***

Масалан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси нашри — «XXI asr» газетасида «Фракциялараро баҳс», «Партиялараро рақобат», «Бошланғич партия ташкилотларида», «Депутатлик гуруҳларида» сингари доимий рукнлар остида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, миллий парламентимиз томонидан қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари тўғрисида мунтазам ахборот бериб келинмоқда.

Бугун маънавий ҳаётимизни шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида ўзлигимиз, тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб, жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таянган ҳолда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил қилишимиз керак, десак ҳар томонлама тўғри бўлади. Демак, журналистлар маҳорати ва касб кўникмаларини ошириш, уларда қатъий позиция, ўз ишига масъулият билан ёндашишни шакллантириш ҳамда ихтисослаштириш замонавий ахборот технологиялари жуда жадаллашган шароитда миллий матбуотни унинг анъаналарини сақлаб қолган ҳолда ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Масалага бундай ёндашув эса миллий оммавий ахборот воситаларининг, шу жумладан, сиёсий партиялар нашрларининг жаҳон ахборот майдонида ўзини муносиб намоён қила олишида катта аҳамият касб этади.

## Бизнесга чорловчи лойиҳа

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги 2-сонли академик лицейда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан амалга оширилаётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бўлинмаси, Фермерлар кенгаши ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган ушбу тадбирда лойиҳанинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 70 нафар битирувчи иштирок этди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари П.Реймов, Г.Халмуратова, O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши аппарат раҳбари С.Турманов сўзга чиқиб, мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун яратилаётган кенг имкониятлар, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритдилар. Шунингдек, жойларда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Агар мен депутат бўлсам...», «Парламентда менинг ўрним» каби партиявий лойиҳаларнинг аҳамияти ҳақида тўхталдилар.

— Лойиҳада муносиб қатнашган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 40 нафарига банклардан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди, — дейди O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари Муҳаббат Ақназарова. − Икки кун давомида бизнес юритиш, банк муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан иштирокчиларга кенг тушунча берилди. Бу эса уларнинг кейинги иш фаолияти давомида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.**

**O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади**

**СУРХОНДАРЁ.** O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан Шеробод педагогика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида «Партия қурилиши соҳасидаги долзарб вазифалар» мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Шеробод, Ангор, Бойсун, Музрабод ҳамда Қизириқ туманларидаги партия қуйи бўғинларининг етакчилари ҳамда масъул ходимлари қатнашдилар.

— Ҳозирги ислоҳотлар жараёни ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этмоқда, — дейди партия вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази раҳбари Гулмира Амирова. — Демак, фаолликни оширишимиз, оммага янада яқинроқ бўлишимиз лозим. Бу борада қуйи бўғинлар бизнинг асосий таянчимиздир. Хусусан, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинган «O`zLiDePнинг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш концепцияси» жойларда ғоявий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**СИРДАРЁ.** O`zLiDeP Боёвут тумани кенгаши ва туман тиббиёт бирлашмаси ташаббуси билан Муқимий маҳалласида яшовчи туғруқ ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, туманда турли мутахассисликдаги шифокорлардан иборат алоҳида гуруҳлар тузилган бўлиб, улар «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишмоқда. Хусусан, малакали шифокор Дилбар Одилова раҳбарлигида шу кунгача маҳаллаларда истиқомат қилувчи туғруқ ёшидаги 2462 нафар аёл чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди, уларга зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди.

Тадбир доирасида O`zLiDeP тумани кенгаши фаоллари томонидан тингловчиларга «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мақсад-вазифалари, шунингдек, турли партиявий лойиҳалар ҳақида кенг маълумот берилди.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» партиявий лойиҳасининг Орол бўйи босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар бўйича ғолибликка эришган 23 нафар иштирокчи ўз бизнес-режалари билан қатнашди.

— Ушбу тадбир 2011 йилдан бери амалга оширилаётган «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳасининг мантиқий давоми бўлиб, лойиҳа доирасида бизнес оламига илк бор қадам қўяётган хотин-қизлар учун уч босқичли ўқув-семинарлар ташкил этиш режалаштирилган, — дейди O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши бўлим мудири А.Юсупова. — Баҳс-мунозара, интерфаол усуллар асосида ўтказиладиган тадбир якунида намунали бизнес лойиҳа яратган ғолибларга тижорат банкларидан кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилади.

## O'zLiDeP сафида эканимдан фахрланаман

***Бугун ҳаётимизни аёлларнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Зеро улар оила бахти, жамият таянчидирлар. Касбига меҳр қўйган, фидойи ва ташаббускор хотин-қизлар O`zLiDeP сафида кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг саъй-ҳаракати билан жойларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки мазкур партиянинг мамлакатимиз сиёсий саҳнасига кириб келиши арафасида давлатимиз раҳбари ташаббускор гуруҳ аъзоларини қабул қилиб, либерал-демократик ғоялар, уларнинг мазмун-моҳияти, инсоният тараққиётида тутган ўрни хусусида муфассал тушунча берган, иқтисодиётда тобора етакчи кучга айланиб бораётган ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга даъват этиб, оқ йўл тилаган эдилар. O`zLiDeP аъзолари ўтган ўн йил мобайнида ушбу ишончни оқлаш учун бор имкониятларини сафарбар этиб келишмоқда. Тарих учун ўта қисқа бир даврда Ўзбекистонимиз том маънода тадбиркорлар мамлакатига айланганидан, уларнинг салмоқли қисмини хотин-қизлар ташкил этаётгани ва бунда оз бўлса-да менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман.***




**Раъно Ҳожимуҳамедова, O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари, «G`uncha Med» МЧЖ раҳбари.**

## Фаоллар бир-бирини қўллаб-қувватламоқдалар

Урганч шаҳар «Умид» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари комиссияси раиси Гулчеҳра Исоқова ҳамда мазкур МФЙнинг диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Феруза Ромонова бир неча йилдирки O`zLiDePнинг фаол аъзолари сифатида ўзларини кўрсатиб келмоқдалар.

Хусусан, Гулчеҳра опа шу кунгача «устоз-шогирд» йўналишида 40 нафарга яқин қўли гул ҳунармандларга мураббийлик қилган ҳолда Урганчда оилавий бизнес ва касаначиликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётган бўлса, Ф.Ромонова «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Урганч шаҳар бўлинмаси ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилган «Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи» кўрик-танлови ғолиби сифатида эътироф этилди. Энг муҳими, улар доимо бир-бирини қўллаб-қувватлаган ҳолда иш юритишни мақсад қилишган. Масалан, Феруза БПТ йиғилишларида ёшлар бандлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга эътибор қаратса, O`zLiDeP вилоят кенгашининг «Ёшлар қаноти» билан яхши алоқа ўрнатган Г.Исоқова шогирдларини партия ғоялари билан таништиришга ҳаракат қилади.

− Мен Гулчеҳра опа яратган ўзига хос мактабнинг бир ўқувчиси сифатида мустақил ишбилармонга айландим, − дейди «Гулчеҳра-Нилуфар Люкс» хусусий корхонаси бошлиғи Нилуфар Исоқова. − Яқинда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳисобига корхонамизда яна 5 та янги иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, ишга таклиф этилганлар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

**Ўз мухбиримиз.**

## Синов муддати ўн беш соатга қисқарди

Қўқон синов ва сертификатлаштириш бўлими «Ўзстандарт» агентлиги, Республика синов ва сертификатлаштириш маркази, шаҳар ҳокимлиги ёрдами билан янги бинога кўчиб ўтди. Реконструкция ишларига 700 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Марказ замонавий анжомлар билан жиҳозланган бўлиб, энди маҳаллий тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар синовини ўтказиш муддати қарийб 10-15 соатга қисқарди. Бинода ишбилармонларга янги хизмат турларини ташкил қилиш учун ҳам барча қулайликлар яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Марказнинг Сифатни бошқариш бўлими мутахассислари томонидан вилоятдаги саноат корхоналарида ISO: 9001 тизими жорий этилгани импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ҳажмининг ортишига замин яратмоқда.

**Зиёдулла МЎМИНОВ.**

2014 — «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»

## Умидли ёшлар — юрт келажаги

Пойтахтимиздаги Алоқа касб-ҳунар коллежида ана шу мавзуга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор вазифалари, навқирон авлод вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик нормалари, болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш масалалари юзасидан атрофлича фикр юритилди.

— Глобаллашув даврида ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, уларни турли мафкуравий хуружлардан муҳофазалаш, ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир, − дейди мазкур коллеж ўқитувчиси Малика Аҳмедова. — Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш, улар қалбида чинакам фидойилик, ғайрат-шижоат туйғуларини камол топтиришда бу каби тадбирларнинг ўрни каттадир.

Анжуман доирасида физика фанидан очиқ дарс ўтказилиб, билимдонлар томонидан тайёрланган физик-техник моделлар намойиш этилди.

«XXI ASR» 2014-yil 26-iyun, payshanba, 25 (553)-son.
www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# Ҳисоботлар тингланиб, амалий таклифлар билдирилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»




— Фан ва техника жадал ривожланиб, интеллектуал мулкка эътибор ортиб бораётгани ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни изчил жорий қилишни тақозо этмоқда, — дейди халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари ўринбосари Баҳодир Жўраев. — Ана шунинг учун ҳам жорий йилнинг ўтган даврида 6 та ҳудудда инфратузилмани ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, ёшлар, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича вилоят ва туманларда белгиланган дастурлар ижросини ўрганиб, муҳокама қилдик. Билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида уларга тегишли тартибда қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Жойларда ислоҳотлар самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларга ижобий ечим топиш юзасидан тармоқ раҳбарларига депутатлик сўровлари юборилди.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 24 октябрдаги йиғилиши баёни асосида тасдиқланган «2014-2016 йилларда Навоий вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури лойиҳасини маъқуллаш ва унинг ижросини таъминлаш тўғрисида»ги дастур доирасида 326 та йирик лойиҳанинг ўзлаштирилиши ҳисобига 10138 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Жумладан, жорий йил биринчи ярмида умумий қиймати 8 миллиард сўмлик 56 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлса, амалда 9,2 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, 5 ойда 65 та лойиҳа бажарилган, 285 та ўрнига 371 та янги иш жойи ташкил этилган.

«Навбаҳор текстиль» МЧЖ ҳамда «Бахт текстиль» қўшма корхоналарини модернизациялаш, қувватларини ошириш натижасида вилоятда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 23 фоиздан 65 фоизга ўсиши кутилмоқда. Навоий шаҳридаги «Ишонч гилам», шунингдек, «Триумф Горняк» каби МЧЖларда ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш, Зарафшон шаҳридаги «Омад бизнес Зарафшон» МЧЖда ўтга чидамли ғишт, Хатирчи туманидаги «Маҳмуд бобо Собиров» МЧЖда лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга оид лойиҳаларнинг амалга оширилиши вилоят аҳолисининг ўндан зиёд янги турдаги мато, тикув-трикотаж, ип-газлама, иситиш батареялари, бир марталик шприц, металлпрофнастил, гипсокартон, лок-бўёқ, керамик плитка (кафель), металлочерепица сингари маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилаётир. Дастурга мувофиқ ҳудудларда 28 та лойиҳа бўйича янги корхоналар барпо этилиши вилоятда йилига 2 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш ҳамда 100 нафардан зиёд қиз-жувонни доимий иш билан таъминлаш баробарида вилоят аҳолисининг мазкур маҳсулотга бўлган эҳтиёжининг салкам 60 фоизини қондириш имконини яратади.

Бугун Навоий вилояти юртимизнинг нафақат юксак салоҳиятли саноат ҳудуди, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича ҳам ўзига хос тажриба мактабига эга минтақа сифатида эътироф этилмоқда. Масалан, ўтган йили вилоят ғаллакорлари ўртача 50,5 центнердан ҳосил кўтариб, 219 минг тонналик хирмон уйган бўлсалар, пешқадам фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 65-71 центнергача етди. Мавжуд 1002 та фермер хўжалигида 108 минг 723 тонна «оқ олтин» тайёрланди.

Депутатлар ҳузурида ҳисоб берган вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ҳабиб Зариповнинг таъкидлашича, айни кунда жорий йил ҳосили учун 40600 гектар ғаллазорда белгиланган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилганлиги боис контрактация шартномасида белгиланган режани ортиғи билан уддалашга етадиган миқдорда ҳосил яратилган. Ғаллакорлар ўтган йилдагидан 5776 тонна кўп, яъни 225,5 минг тонна сара дон ишлаб чиқариш ва майдонлар ҳосилдорлигини ўртача 55,4 центнерга етказиш ниятидалар. Мавжуд 35800 гектар ғўза пайкалларидан 100 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси етиштириш кўзланмоқда.

Соҳибкор ва боғбонлар кўзлаётган марралар ҳам чакки эмас. Мақсад 218 минг тонна сабзавот, 63 минг тонна картошка, 98 минг тонна мева, 63 минг тонна узум ҳамда 61 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштириб, аҳолининг дастурхони тўкин бўлишига муносиб ҳисса қўшишдир. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантиришга йўналтирилган 188 та лойиҳа учун тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитларни қўшиб ҳисоблаганда 9,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланади.

Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Зафар Султоновнинг ҳисоботини тинглаган депутатлар бир қанча саволлар билан мурожаат қилиб, кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, ер ости ва ер усти қазилма бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда нобудгарчиликка йўл қўймаслик, кам энергия талаб этадиган, шунингдек, компьютерлашган автомат ва ярим автомат технологияларни жорий этиш бўйича ўз таклифларини билдирдилар.

Депутатлар, шунингдек, корхоналарнинг дебитор қарздорлигини камайтириш орқали уларнинг самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларида маҳсулотларни қайта ишлаш ва сервис хизматларини ташкил этиш юзасидан ҳам амалий таклифлар билдирдилар.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган тадбир давомида O`zLiDeP депутатлари қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш мақсадида тежамкор ва интенсив технологиялардан унумли фойдаланиш йўлга қўйилганини эътироф этиб, тармоқ ривожи йўлида ишга солинмаётган омиллар хусусида ҳам фикр-мулоҳаза юритдилар. Жумладан, сенатор Холбой Ибрагимов вилоятда пахта экиладиган майдонларнинг атрофи, қишлоқлардаги ички йўллар четлари, ариқ ва захкашлар қирғоқларида ошқовоқ етиштириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган топшириқнинг ижросини таъминлашга эътибор қаратиш зарурлиги масаласини ўртага ташлаган бўлса, халқ депутатлари Қизилтепа туман кенгаши депутати Фазлиддин Тошев аҳоли томорқалари учун минерал ўғитлар етказиб бериш шохобчаларини кўпайтириш орқали томорқалар унумдорлигини ошириш юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этди.

Тадбирда, шунингдек, депутатлар назорат-таҳлил асосида ўрганилган ечимталаб муаммолар, эътибор қаратилиши лозим бўлган йўналишлар, ишга солинмаётган имкониятлар хусусида ҳам бир қанча амалий таклифларни ўртага ташладилар.

## ХАБАРЛАР

### Жиззахда ЁПК ишлаб чиқарилмоқда

Бундан беш йил аввал Жиззах туманида хориждан келтирилган замонавий технология асосида турли ўлчамдаги полимер қувурларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Олмачи полимери» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этган Хайрулла Омонов ўн нафар ҳамқишлоғини иш билан таъминлаганди. Доимо янгиликка интилиб яшашга одатланган тадбиркор шу билан кифояланиб қолмади. Интернет орқали Хитойда замонавий технология бўйича ёғочли пластик композити (ЁПК) ишлаб чиқарилаётганидан хабар топиши биланоқ янги бизнес-режа тузиб, банкдан 800 млн. сўм кредит олишга муваффақ бўлди. 2013 йилда хитойлик ҳамкорлар билан янги маҳсулот ишлаб чиқарадиган линияни харид қилиш бўйича шартнома имзолаган Х.Омонов жорий йилда ана шу технологияни Жиззахга олиб келди.

— Айни пайтда корхонамиз тўла қувват билан ишламоқда, — дейди МЧЖ раҳбари. — Полиэтилен қувурларимиз, айниқса, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда кенг қўлланилмоқда. Ёғочли пластик композитдан эса турар-жойлару офислар, ҳаммом ҳамда сауналарнинг девор ва шифтларини пардозлаш, бассейн ва шийпонларни қуриш учун зарур бўлган, юқори намликка бардош берадиган панеллар тайёрланяпти. Эътиборлиси, ЁПК хом ашёсининг 60 фоизи, яъни дурадгорлик устахоналаридан чиқадиган қипиқ, шунингдек, ғўзапоя, арпа ва буғдой похоли маҳаллий аҳоли ҳамда фермерлар томонидан етказиб беріляпти.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ.**

### Қўшма корхона ва коллеж ҳамкорлиги

Қизилтепа қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳамда Ўзбекистон-Америка «Aqua-To'dako'l» қўшма корхонаси ҳамкорлигида очиқ мулоқот ва меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.
Тумандаги «Арабон» ҚФЙ фаоллари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар, туман прокуратураси, ИИБ ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда қўшма корхона таъсисчиси Ш.Жамолов балиқ етиштириш бўйича вилоятда етакчи ҳисобланувчи ушбу корхона фаолияти, чет эл технологияларини ҳаётга татбиқ этишнинг аҳамияти хусусида атрофлича маълумот берди.
Йиғилишда корхона билан коллеж маъмурияти ўртасида икки томонлама ҳамкорлик битими имзоланди. Унда ихтиолог-балиқшунослик йўналиши бўйича таълим олаётган ўқувчиларнинг «Aqua-To'dako'l»да ўқув амалиётини ўташи, шунингдек, битирувчиларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

**А.МАНСУРОВ.**

### «Соғлиғим — ҳаётим завқи»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқоролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган шу номдаги лойиҳа доирасида Қўшкўпир туманидаги «Кенагас» қишлоғида давра суҳбати ташкил этилди.
O`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши ҳамда ҳудудий ННТ ташаббуси билан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбирда оилаларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш кўникмалари, хонадон орасталиги, жисмоний тарбия ва спортнинг инсон саломатлигидаги аҳамияти хусусида сўз юритилди.
«Соғлом турмуш тарзи ўзи нима?», «Танам билан танишаман», «Соғлиғим — туман бойлигим», «Ўсмирликнинг сирли олами», «Ёшлар тамакисиз ҳаётни танлашди» каби мавзуларни ўзида жамлаган анжуман доирасида ижтимоий тадқиқот ўтказилиб, аҳолининг тиббий билим ва малакаси яна бир бор синовдан ўтказилди.

**Рисолат МАДИЕВА.**

# Мурожаатингиз бўлса қанча, ҳал этади «бир дарча»

**Маълумки, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари олдига амалдаги қонунлар жойларда қандай бажарилаётганини назорат қилиш самарадорлигини оширишдек муҳим вазифа қўйилган. Қарши шаҳрида бўлиб ўтган халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида айни шу йўналишда олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»





Вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси, иқтисодиёт бошқармалари бошлиқлари иштирок этган тадбирда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига зарур бўлган рухсат этувчи ҳужжатларни «бир дарча» тамойили асосида бериш бўйича амалга оширилган ишлар муҳокамасига қаратилди.

— «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-тамойиллари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида «Ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, бундай ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда «бир дарча» орқали амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган, — дейди вилоят Адлия бошқармаси масъул ходими Муҳиддин Каромов. — Қолаверса, «бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда олади», деб белгилаб қўйилган.

Вилоят солиқ бошқармаси юридик бўлими бошлиғи Акмал Саидовнинг таъкидлашича, Президентимизнинг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 2-бандида Вазирлар Маҳкамаси лицензия ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни бериш бўйича ваколатли органлар ҳамда тегишли қўмита ва вазирликларга 2015 йилнинг 1 январигача фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашда «бир дарча» тамойилини жорий этиш вазифаси юклатилиб, жами 19 та лицензияланадиган фаолият тури соддалаштирилган ҳолда расмийлаштирилиши кўрсатиб ўтилган. Давлатимиз раҳбарининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат этувчи ҳужжатларни бериш муддати тадбиркор ариза берган кундан бошлаб 30 иш кунидан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

— Йил сайин вилоятимизда тадбиркорлар сафи кенгайиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи маҳсулотдаги улуши ортиб бормоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт бошқармаси масъул ходими Хуршид Хўшшиев. — Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бугун Қашқадарёда 20 558 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлса, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида улар сони яна 500 тага ошди. Муҳими, замонавий тадбиркор эндиликда яратилаётган имтиёз ва қулайликлардан самарали фойдаланиб, барча идора ва ташкилотларга электрон шаклда мурожаат қилиб, деярли барча ҳисобот ва шартномаларни интернет тармоқлари орқали амалга оширяпти.

O`zLiDeP вилоят кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Дилшод Турсуновнинг айтишича, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан ижроия ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида депутатларимиз қонун ва қарорлар ижроси юзасидан ўттизга яқин депутатлик сўрови киритишди, — дейди у. — Хусусан, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари доимий комиссияларига йигирмага яқин таклиф берилган бўлса, 7 та ташкилот ва идора раҳбарининг ҳисоботлари эшитилди. Маҳаллий кенгашлар сессияларига эса жами 7 та масала киритилди.

Тадбирда, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, халқ депутатлари кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш борасида партия фаоллари олдида турган долзарб вазифалар хусусида мулоҳазалар билдирилди.

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

### Шифокорлар хизматидан норозимисиз?

**«Оилавий поликлиникада нотўғри қўйилган тиббий ташхис ёки кўрсатилган хизматнинг сифатсизлиги хусусида кимга ва қаерга мурожаат қилиш мумкин?**

Алишер МУҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилояти».

**Саволга Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси амбулатор поликлиника бўлими бош мутахассиси Зулхумор Раҳмонова жавоб беради:**

— Оилавий поликлиника шифокорлари томонидан кўрсатилган тиббий хизматдан норози бўлсангиз, биринчи навбатда, шу даволаш профилактика муассасаси бош шифокорига мурожаат қилинг. Агарда бош шифокорнинг хулосаси ҳам қониқтирмаса, шу тумандаги тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ёки шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига учрашишингиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли бошқарма ва бўлимлари ҳам бу борада сизга ёрдам беради. Бундан ташқари, ҳар бир туман тиббиёт бирлашмасида «ишонч телефон»лари ўрнатилган бўлиб, улар орқали мавжуд муаммолар ҳақида хабар беришингиз мумкин.

## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

**«Саодатни ҳунарга ёр қилғил,
Ҳунардин бизни хабардор қилғил».**

Ал-ХОРАЗМИЙ.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 26-iyun, payshanba, 25 (553)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

## Янги кадрларга алоҳида эътибор

Электорат вакилларини сиёсий жараёнларда фаол қатнашишга даъват этиш, бу борада қизғин тарғибот ишларини олиб боришни мақсад қилган партия ходими ёхуд БПТ етакчиси аввало ўзи жамиятнинг сиёсий институтлари фаолияти мазмун-моҳиятидан яхши хабардор бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши туман ва шаҳар ташкилотларига ишга қабул қилинган ходимлар ҳамда янги сайланган БПТ раислари учун навбатдаги ўқув-семинарларни ўтказишга киришди.

Вилоят кенгаши депутати Б.Жабборова, партия ҳудудий ташкилоти қошидаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Д.Дарвишова, ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Р.Ғозиев ва бошқа масъулларнинг кун тартибида турган долзарб вазифалар, сайловолди тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган маърузалари тингловчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

— Бундай машғулотлар партиявий ишда ҳали етарлича билим ва тажриба тўплай олмаганлар учун айни муддао бўлаётир, — дейди яқинда O`zLiDeP Ўрта Чирчиқ тумани кенгаши бошланғич ташкилотлар билан ишлаш консультанти вазифасига тайинланган Н.Мадиярова. — Ўзлаштираётган билимларимиз, айниқса, сайловларга ҳозирлик ва уларда иштирок этиш жараёнида қўл келиши шубҳасиз.

**Б.ИСРОИЛОВ.**

## Шуманайлик сафдошлар

**Шуманай туманида чиқадиган «Шуманай нури» газетаси ходимлари мамлакатимиздаги партияларнинг ғоя ва мақсадлари билан танишиб чиққач, якдиллик билан O`zLiDeP сафига киришга аҳд қилишган, шу тариқа таҳририятда янги қуйи бўғинга асос солинган эди. Зеро, БПТ раиси Меригул Байдуллаева таъкидлаганидек, юртимиз гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлигини хусусий сектор вакиллари фаолиятидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.**

Бошланғич ташкилот фаоллари туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир материаллар баробарида партия электорати вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳам газета саҳифалари орқали жамоатчилик эътиборига ҳавола этишмоқда. Шунингдек, чоп этилаётган катта-кичик мақолаларда маҳаллий бошқарув органлари, фермерларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи тузилмалар фаолиятига холисона баҳо берилаяпти. Эътиборлиси, аҳил жамоа O`zLiDePнинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Диплом билан — бизнесга» сингари лойиҳаларини ёритиш билангина чекланмасдан баъзи ташкилий ишларга бевосита кўмаклашмоқда. Бошқача айтганда, тумандаги касб-ҳунар коллежлари талабаларининг уч нафари республика босқичида ғолиб бўлишида мазкур қуйи бўғиннинг муайян ҳиссаси бор.

Хуллас, газетадаги O`zLiDeP таянч нуқтаси фаоллари зиммаларидаги бурчга сидқидилдан ёндашиб, ўз амалий ишлари билан партиямиз мавқеини мустаҳкамлашга интилмоқдалар.

**Ўз мухбиримиз.**

## Соғлом бола маънан етук оилада камол топади

Наманган туман давлат санитария-эпидемиология марказидаги БПТ фаоллари «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида изчил чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. «Соғлом бола маънан етук оилада камол топади» мавзуидаги туркум учрашувлар ҳам қуйи бўғиннинг хайрли ташаббусларидан биридир.

— Асосан ёшлар иштирок этган навбатдаги тадбиримизда Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, оилада тиббий саводхонликни ошириш, ҳар томонлама соғлом фарзандни вояга етказишнинг асосий омиллари тўғрисида сўз юритилди, — дейди бошланғич ташкилот раиси З.Ҳайдаров.

**А.МУСУРМОНОВ.**

## Тарғибот ишлари кучайтирилаяпти

«Микрокредитбанк» ОАТБ Пахтачи тумани филиалида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотнинг 30 нафар аъзоси сайловларга тайёргарликни тарғибот ишларини кучайтиришдан бошлади. Чунончи, БПТ ташаббуси билан тумандаги Автомобиль ва йўллар, Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларида «Тадбиркорлик фаолияти аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишида асосий омилдир» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда маҳаллий кенгаш депутатлари, партия туман кенгаши мутасаддилари ва банк мутахассислари коллеж битирувчиларига юртимизда хусусий сектор вакиллари учун яратилган қулай муҳит, O`zLiDePнинг мулкдорлар синфи манфаатлари йўлида амалга ошираётган ишлари хусусида атрофлича маълумот бердилар.

**М.РАВШАНОВА.**

## Шундай номзодни танлаш керакки...

**Мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан бири саналган «Шўртангазкимё» мажмуасида «Партиянинг Сайловолди дастури ижросини таъминлашда бошланғич ташкилотларнинг ўрни» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларда иштирок этиш даврида қуйи ташкилотлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари ҳақида сўз борди.**









**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

— Олдимизда жиддий синов турибди, — деди мазкур корхонада фаолият кўрсатаётган БПТ раиси Шуҳрат Уватов. – Бу эса биздан сиёсий фаоллик, ҳамжиҳатлик ва ташкилотчиликни талаб этади. Сайловларда шундай номзодларни танлаш керакки, улар партия электорати билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиб, туман ва вилоят кенгашлари сессияларига олиб чиқадиган, ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг ижросини назорат қиладиган бўлишсин. Назаримда, ташаббускор ва ташкилотчи ёшларгина аҳоли ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилишда барчага ўрнак бўла олади. Сиёсий фаоллик партия аъзоларининг турли соҳаларда эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшишларига замин яратади.

Мулоқотда, шунингдек, O'zLiDeP вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилором Азизова, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Азиз Пирназаров, Ғузор тумани партия кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Зулхумор Жабборова сўзга чиқиб, сайлов жараёнида БПТ аъзолари орасидан кузатувчи ва ваколатли вакил вазифасини бенуқсон бажара оладиган салоҳиятли, обрўга эга бўлган ходимларни топиш учун кенгашлар билан қуйи бўғинлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, сайлов технологияларининг замонавий шаклларидан самарали фойдаланиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Зеро, O`zLiDeP фаолларининг аҳоли кенг қатламлари орасига чуқурроқ кириб боришига эришиш, партия сафларини ёш тадбиркор ва фермерлар ҳисобига кенгайтириш юзасидан тарғибот ишларини кучайтириш, шубҳасиз, сайловларда ўз самарасини беради.

## Таянч бўғинларнинг таъсир кучи ортаяпти

**Қува туманида фаолият юритаётган БПТлар электорат вакиллари манфаатларини амалий ишлар билан ифодалаш орқали сайловчиларнинг O`zLiDePга ишончини янада мустаҳкамлашга эришаяптилар**

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»

Халқ депутатлари туман кенгашида O`zLiDeP вакиллари бошқа партияларга нисбатан кўп овозга эга. Бу эса мазкур ҳудудда партия ғояларини қўллаб-қувватловчилар кўпчиликни ташкил этади, дейишга асос бўла олади. Зеро, қувалик либерал-демократлар ўн йил мобайнида O`zLiDePнинг сўзи билан иши бир сиёсий куч эканини амалда исботлаб келмоқдалар. Бунда зиммаларидаги вазифаларни тўлақонли адо этиб келаётган бошланғич партия ташкилотлари, мавжуд муаммоларни маҳаллий кенгаш сессияларига олиб чиқиб, жонкуярлик кўрсатаётган депутатлик гуруҳи саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мавриди келганда сиёсий партия амалга ошираётган ишларни тарғиб ва ташвиқ этишга ҳам катта аҳамият берилаётганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Шу маънода олиб қараладиган бўлса, кейинги ойларда тумандаги 23 та БПТ томонидан электорат вакилларини қўллаб-қувватлашга бағишлаб ўтказилган тадбирлар маҳаллий ОАВда ёритилди. Масалан, туман Ахборот-маслаҳат маркази бошланғич ташкилоти фаоллари «Шукрона Баҳронжон» оилавий корхонаси ходими М.Қурбонованинг мурожаати асосида партия маҳаллий кенгашига тақдимнома киритдилар. Кенгаш масъуллари ва депутатлар ўз ваколатларидан фойдаланиб, масалани ижобий ҳал этдилар. Яъни тадбиркорга банкдан 40 млн. сўм имтиёзли кредит берилишига эришдилар. Туман Фермерлар кенгашида рўйхатдан ўтган қуйи бўғин фаоллари ҳам ана шу йўсинда «БПТ — партия юқори ташкилоти — депутатлик сўрови» механизми воситасида қўшимча 0,3 гектар ер майдонининг цитрус мевалар етиштиришга ихтисослашган деҳқон хўжалиги раҳбари И.Деҳқонов тасарруфига ўтказилишига кўмаклашдилар. Бундан ташқари унинг молия муассасасидан 30 млн. сўм сармоя олишига ҳам ёрдам берилди. Тилга олинган ушбу мисоллар O`zLiDePнинг ўз электорати манфаатларини нафақат парламент ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари орқали, балки амалий жиҳатдан, фаолларнинг тўғридан-тўғри ёрдами билан ҳам ҳимоя қилишга қодир эканига яққол далилдир. Қолаверса, партия таянч тузилмаларига келиб тушган ҳар бир мурожаат айни масала бўйича мавжуд аҳволни муфассал ўрганиб чиқилишига асос бўлмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар айнан БПТлар томонидан кўтарилган масалалар юзасидан мутасадди идораларга 4 та депутатлик сўрови йўлланди, 2 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилди, назорат-таҳлил текшируви ўтказилди. Бир гуруҳ БПТлар ташаббуси билан «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг жойлардаги ижросини ўрганиш масаласи туман сессияси муҳокамасига киритилганлиги эса қуйи бўғинларнинг «ижтимоий-сиёсий фаолият ўзаги» деган таърифга муносиб бўлишга интилаётганликларидан далолатдир.

***Бир гуруҳ БПТлар ташаббуси билан «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг жойлардаги ижросини ўрганиш масаласи туман сессияси муҳокамасига киритилганлиги эса қуйи бўғинларнинг «ижтимоий-сиёсий фаолият ўзаги», деган таърифга муносиб бўлишга интилаётганликларидан далолатдир.***

Шу ўринда жорий йилнинг ўтган даврида туман кенгаши БПТлар билан ҳамкорликда 123 та катта-кичик учрашув, давра суҳбати, очиқ мулоқот ва ўқув-семинар машғулотлари ташкил этганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Эътиборлиси, уларда депутатлар, қуйи бўғинлар етакчилари, туман ҳокимлиги масъуллари, тажрибали фермер ва ишбилармонлар фаол иштирок этиб, маҳаллий бошқарув органлари ишини такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш борасида пухта ўйланган, асосли таклифлар билдирдилар. Айниқса, туман Фермерлар кенгаши, «Ғалаба», «Акбаробод», «Раста» МФЙ, «Роҳатой» фермер хўжалиги ва «Экмосан» хусусий фирмасида ташкил этилган тадбирлар ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Айнан ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 252 нафар киши партия сафига қўшилди, 7 та янги БПТга асос солинди. 100 нафар юртдошимизнинг фермерлик фаолиятини бошлашида ҳам юзма-юз мулоқотлар муайян таъсир кучига эга бўлди.

Ўрни келганда БПТлар партия туман кенгаши «Ёшлар қаноти» билан яқин ҳамкорликда ишлаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, «Камолот» ЁИҲ томонидан амалга оширилаётган «Менинг бизнес ғоям» республика кўрик-танловининг «Энг кўп иш ўрни яратган ёш тадбиркор» номинацияси ғолиби, коллеж битирувчиси И.Муҳаммаджоновнинг хусусий бизнесга қизиқишини биринчи бўлиб бошланғич партия ташкилоти қўллаб-қувватлаган, танловда иштирок этишига яқиндан кўмаклашган эди. Эндиликда ўз бизнес лойиҳаси асосида «Қақнус» хусусий мебель корхонасини ташкил этган ёш тадбиркор банкдан 20 млн. сўм кредит олиб, корхонасини янада кенгайтириш ҳаракатида.

Туман кенгаши раиси А.Тешабоевнинг айтишича, эришилган натижалар хотиржамликка асос бўлмаслиги керак. Фаоллар Қувада O`zLiDePнинг етакчилик мавқеини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва салоҳиятни сафарбар этмоқдалар. Хусусан, БПТлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг депутатлик гуруҳлари билан сайловчилар манфаатларига оид муаммолар ечимидаги иштирокини бундан-да кенгайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Зотан, яқинлашаётган масъулиятли сиёсий имтиҳон — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар қатъий ва изчил иш олиб боришни тақозо этаётир. БПТлар эса сайловчига энг яқин бўғин сифатида ушбу жараёнга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бунда асосий эътибор қуйи бўғинлар етакчилари ва фаоллари орасидан кузатувчилар ҳамда ваколатли вакилларни танлаш ва тайёрлаш масалаларига қаратилаётир.

«XXI ASR» 2014-yil 26-iyun, payshanba, 25 (553)-son,
www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru




Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси
Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини янада мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилаётган фидойи журналистларимизни
27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
билан қизғин муборакбод этади. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, «Соғлом бола йили»да ижодингиз янада жўшқин, қаламингиз ўткир бўлсин, деб қоламиз.

«XXI ASR» 2014-yil 26-iyun, payshanba, 25 (553)-son,
www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

**Озод ва обод юртимизда байрамларни кўтаринки руҳда ўтказиш ҳавас қилса арзигулик анъанага айланиб қолди. Айниқса, Мустақиллик куни, Бош Қомусимиз қабул қилинган сананинг тантанали нишонланиши, азалий қадриятларимиз ҳисобланмиш Наврўз айёми, Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг меҳнаткаш халқимиз томонидан қутлуғ маросимлар сифатида эъзозланаётганини кўриб қалбларимиз қувончга тўлади. Зеро, тинч ва осойишта, серфайз ва сербарака юрт халқи ҳар қанча байрам қилса ярашади**

Шулар қаторида бошқа соҳа эгаларининг касб байрамлари ҳам борки, улар йил сайин кенг нишоналадиган тантаналарга айланиб бормоқда. Бу ҳам, шубҳасиз, мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровон ҳаётининг ёрқин бир кўринишидир.

Одатда биз матбуотчилар турли соҳа вакилларини касб байрамлари билан табриклаб, меҳнат фаолияти ҳақида мақолалар, очерк ва лавҳалар чоп этамиз. Лекин ўз ҳамкасбларимизни оғзаки ёки телефон орқали муборакбод этиш билан кифояланамиз.

Бугун ушбу анъанадан чекиниб, касбдошларимиз, касбдош бўлганда ҳам айнан «XXI asr»да ишлаган ва ишлаётган ижодкорларни байрам билан қутлашга жазм этдик. Бунга арзирли асосимиз ҳам бор: газетамиз ижодий жамоаси мазкур касб байрамини ўнинчи марта биргаликда нишонламоқда. Шу баҳонада мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида анчагина кўзга ташланиб қолган нашримиз ижодкорлари ҳақида кичик бир чиқиш қилсак ёмон бўлмас.



Солиҳ ЗОИР олган сурат

Бундай олиб қараганда, 10 йил унчалик катта муддат эмас. Аммо Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг республикамиз сиёсий майдонига кириб келиши муносабати билан ташкил этилган нашримиз ўтган давр мобайнида юртимизда либерал ғоялар тарғиботи, мамлакатимизда ўрта қатлам, дея аталаётган тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз фаолиятини ёритиш борасида каттагина ижодий жараённи босиб ўтди.

2004 йил аввалида Миродил Абдураҳмонов етакчилигида иш бошлаган таҳририятда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ўнлаб маҳоратли шогирдлар етиштирган Тоҳир Мирҳодиев, суяги газетачиликда қотган ва талабчанлиги билан танилган Носир Тошев, кўп йиллар давомида турли вазифаларда ишлаб келаётган «Дўстлик» ордени соҳиби Темур Абдураҳмонов, «Шуҳрат» медали соҳиби Сайфулла Икромов ва бошқалар «XXI asr» мактабини яратган ҳамкасбларимизнинг бир қисми, холос.

Кези келганда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сулаймон Ҳусаинов, «Олтин қалам» соҳиби Примқул Дўстмаматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Янгибой Қўчқоров, андижонлик ижодкор Илҳомжон Эгамназаров (охирати обод бўлсин) газетанинг шаклланиш жараёнида хизмат қилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кейинги йилларда ижодий жамоамизга кўплаб ёш қаламкашлар, тажрибали журналистлар келиб қўшилдилар. Газетамиз ўқишли, мазмунли чиқишини таъминлаётган ҳамкасбларимиз рўйхатини ёзиб чиқсак, яна шунча жой керак бўлади. Лекин нокамтарлик бўлармикан, деган мулоҳазага бордик. Боиси нашримизнинг сўнгги саҳифасида уларнинг исм-шарифлари келтирилганидан газетхонлар яхши хабардор бўлсалар керак, деган умидда шу ерда нуқта қўя қолдик.

Байрамингиз(миз) муборак бўлсин, азизлар!

# Журналист халқи…

Ҳаётдан бир қадам олдин юради,
Ҳақ йўлдан қайтмайди, танти туради,
Ҳеч ким кўрмаганни дарров кўради,
Журналист халқи…

Қоғозу қалами ҳамроҳ уззу кун,
Завқ олиб яшайди, ҳаётдан бугун,
Метиндай ирода, иймони бутун,
Журналист халқи…

Бахтин кўролмаслар ёниб-куяди,
Ватан шуҳратидан мағрур юради,
Ҳаммадан ҳам кўпроқ юртин суяди,
Журналист халқи…

Эзгулик, ҳақиқат шиори мудом,
Ҳеч кимга тиламас, қасд ё интиқом,
Хуш ахлоқ, мулойим, ҳам ширин калом,
Журналист халқи…

Елиб-югуради, тиним билмайди,
Қийинчиликларни писанд қилмайди,
Элим деб, юртим деб, ёниб яшайди,
Журналист халқи…

Олов ёниб турар, чақноқ кўзида,
Алпомишдек қудрат жамдир ўзида,
Истиқлолни куйлар ҳар бир сўзида,
Журналист халқи…

Беором қалб доим илҳомга тўлсин,
Озод, ҳур Ватанда ўйнасин, кулсин,
Тилагим доимо соғ-омон бўлсин,
Журналист халқи…

**Мансур АСЛОНОВ,**
**Қизилтепа шаҳри, 2014 йил 25 июнь.**

РЕКЛАМА

«ФАРОВОНЛИК»
ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ
AGROBANK

2014 ЙИЛ 20-21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ
Тошкент шаҳрида
ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг.




ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНИНГ НАРХИ — 5000 СЎМ

(+99871) 273-03-04
WWW.AGROBANK.UZ

лотерея билетларини нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан банкнинг барча филиалларидан сотиб олишингиз мумкин.

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

Қорақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77
Андижон вилояти (8-374) 228-46-20
Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53
Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33
Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-60
Наманган вилояти (8-369) 223-19-32
Навоий вилояти (8-436) 770-35-49
Самарқанд вилояти (8-366) 229-34-73
Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48
Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50
Фарғона вилояти (8-373) 224-08-41
Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00

Ютуқлар тасодифий аниқлаш тамойили асосида махсус лотерея жиҳозларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. 100 000 сўмгача бўлган ютуқлар 1 банк иш кунида, 100 000 дан юқори бўлган ютуқлар (билетларнинг экспертиза хулосаси олинган кундан бошлаб) 1 ой ичида берилади. Ютуқли билетлар тираж ўтказилган санадан бошлаб 100 кун давомида қабул қилинади ва ушбу муддат ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади. Балоғат ёшига етмаганлар лотереяда иштирок этиши тақиқланади.

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«Асака» банк (ОАЖ)

жамоаси мамлакатимизнинг барча журналистларини, матбаа ва нашриёт ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этади ҳамда миллий ва хорижий валюталарда қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада:

«ТАЪТИЛ-2014» — Омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«БАРАКАЛИ» — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ» — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловлари) йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД» — Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

хорижий валютада:

«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида) — Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда) — Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда «Асака» банк (ОАЖ) қулай шартларда 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда омонатларни таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мазкур омонат турларини банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Сергели филиали | 371 | 258-67-49 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.




Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)

ЗАЗ
www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАҲРИРИЯТ:** Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ, Акбар МУЗАФФАРОВ, Беҳзод ИСРОИЛОВ, Наргиза ҚАҲҲОРОВА, Шуҳрат Раҳимов, Солижон ЗОИРОВ.

**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80. Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: S 260 **Тираж:** 16856
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
**Н.ТОШЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.**